

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ МАҲОРАТ ЭГАЛЛАШДАГИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИАТНИНГ КЎРИНИШЛАРИ
(ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

Абдурахмонов Умиджон Усмонович
Тошкент Амалий Фанлар Университети
E-mail: hope_umid@list.ru

АННОТАЦИЯ

Айни даврда Ўзбекистон таълим соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Билим даргоҳларининг қиёфаси ўзгариб, моддий-техника базаси яхшиланяпти, илмий ишланмаларни молиялаштириши ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучайтирилмоқда. Инновация йўналишидаги алоҳида давлат тузилмалари ташкил этилиб, олий ўқув юртларида ҳам янги бўлинмалар очилмоқда. Бу борада ёшларнинг касбий маҳорат эгаллашида уларни ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятни ошириб бориш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Калит сўзлар: *Инновация, билим, касбий, интеллектуал салоҳият, ижтимоий, компетентлик, миллий, менталитет.*

ABSTRACT

At the same time, significant positive changes are taking place in the field of education in Uzbekistan. The appearance of educational institutions is changing, the material and technical base is being improved, the financing of scientific developments and social support are being strengthened. Separate state structures in the direction of innovation are being established, and new departments are being opened in higher educational institutions. In this regard, our main task is to increase the intellectual potential of young people in all aspects of their professional skills acquisition.

Key words: *Innovation, knowledge, professional, intellectual potential, social, competence, national, mentality.*

АННОТАЦИЯ

В то же время в сфере образования Узбекистана происходят существенные позитивные изменения. Меняется облик учебных заведений, совершенствуется материально-техническая база, усиливается финансирование научных разработок и социальная поддержка. Создаются отдельные государственные структуры по направлению инноваций, открываются новые кафедры в высших учебных заведениях. В связи с этим

нашей главной задачей является повышение интеллектуального потенциала молодежи во всех аспектах приобретения ею профессиональных навыков.

***Ключевые слова:** Инновации, знания, профессиональный, интеллектуальный потенциал, социальный, компетентность, национальный, менталитет.*

КИРИШ

Инсоният ўз тараққиётининг барча босқичлари давомида интеллектуал бойлик яратиш тизимидан самарали фойдаланиб келмоқда. Шиддат билан ривожланаётган бугунги замонамизда ҳар бир мамлакат келажаги, хусусан, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли ёшларга боғлиқ. Шу боис, давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг илк кунларидан бошлаб инсон капитални ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида сифат кўрсаткичини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар замирида Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек буюк вазифалар стратегик мақсад қилиб қўйилган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасига қаратилгани мамлакатимизни ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқиш, юқори салоҳиятли кадрлар авлодини шакллантириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттиришга хизмат қилади. Бу борада президентимиз Ш.М Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдириб ўтган: ”Айни пайтда ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тайёрлашимиз зарур. Шу боисдан ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини изчил ислохот қилмоқдамиз. Нафақат ёшлар, балки жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маданият керак. Илм йўқ жойда колоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. **Энг катта бойлик- бу ақл заковат ва илм, энг катта мерос- бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик-бу билимсизликдир!**” [1]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таъкидлаш жоизки, таълим жараёни миллий менталитетимизни бойитиб бориш билан узвий боғлиқ. Муаммонинг ечимини ҳам ўз руҳиятимиздан, хатти-ҳаракатимиз ва кундалик турмушимиздаги одатий бўлиб қолган стереотиплар ҳамда фикрлаш тарзимиздан излашимиз керак.[2] Бугун ҳукумат аъзолари айниқса, юртбошимиз парадигмалар ўзгаришини тўғри англаб етиб унга жамиятда асосий қатлам саналган ёшларни мослаштиришга оид сиёсат

юритмоқда. Зеро, янги муаммоларни эски методлар билан хал этиб бўлмайди. [3] Говард Гарднер қобилиятларни интеллектлар тўплами деб атади ва унинг еттита жиҳатини ажратиб кўрсатди.[4] Биз интеллектнинг ушбу жиҳатларидан олтитасини ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштириш нуқтаи назаридан таҳлил қилишимиз мумкин. Психолог олим Ольга Матвеева ушбу жиҳатларни психологик технология билан кучайтириб модификациялайди ва ўқитувчининг касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги қобилиятларни кўрсатиб ўтади:

1. Мулоқот қилиш (коммуникатив) қобилияти: Ўқитувчи ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда, синфда ижобий руҳий иқлим ярата олади.

2. Воқеаларни олдиндан кўра олиш қобилияти: Ушбу қобилият тури ҳар бир ўқитувчининг сергаклигида, ўқувчиларнинг руҳиятини, ички дунёсини кўра олишида намоён бўлади. Шунда ўқитувчи ким нимага қодир эканлигини олдиндан башорат қила олади.

3. Эшитиш ва ҳис қилиш қобилияти: Бундай қобилиятга эга бўлган инсонлар мусиқани севишади, оҳангни яхши ҳис қилишади, декламация асосида проза ва поэзияни яхши ўқишади, эшитган нарсасини хотирада сақлайди, айниқса шеър ва кўшиқларни севиб тинглайди.

4. Кинестетик (тери-мускул) қобилият: Ўқитувчининг ўз ҳатти ҳаракатларини мувофиқлаштириш қобилияти, ҳаракат оҳангини ҳис қилган ҳолда йўналтиради, вақтни ҳаракат суръати билан ҳис қилади, ўзи учун маиший қулайликларни ярата олади, ҳаёт марҳаматларидан роҳатланишни билади.

5. Мантикий қобилият: Фалсафий мулоҳазалар юритишни, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни ҳал қилишни севади, сабабият ва оқибат натижаларини тушуниш малакасига эга, воқелиқда асосийликни иккинчи даражалисидан ажрата олади;

Шахснинг ички қобилияти: Ўз-ўзини мукаммал билиши, тушуниши ва ҳис қилиш қобилияти, эркин шахсда ички қобилият мукаммал ривожланади, иродаси мустаҳкам, қатъиятли, ҳар қандай вазиятда ўз фикр-мулоҳазасини эркин баён эта олади. Қобилият ўқитувчининг индивидуал имкониятларини характерлайди. Бир хил шароитда қобилиятли ўқитувчилар ўз фаолиятларида ҳам қобилияти паст кишиларга қараганда кўпроқ ютуқларга эришадилар. Олим Т.А.Котова шу нарсани таъкидлайдики, олий маълумотга эга бўлиш - ижтимоий ҳаётда шахсни баланд ўринларни эгаллашини ёки интеллектуал салоҳиятли бўлишини гарови эмас. Маълумотга эга бўлиш шахс ҳаётини йўлга қўйишнинг ягона йўли эмас ва у омадга етаклайди дегани ҳам эмас, лекин ишга

жойлашишда шахсинг маъумоти аҳамиятлидир. Натижада олий маълумотга эга бўлиш – шахсинг ҳаётида "ёзғич" бўлиб қолади. Ф.Р.Туктаров таъкидлайдики, шахслар рақобатчилиги - халққа илм етказишнинг Ўзбекистон моделига боғлиқ, яъни тадқиқотларга қараганда у қуйидагилардан иборат: меҳнат, сабр-тоқат, уят, жавобгарлик ҳисси, жамоавий фикр, коллективизм, кечиримлилик, буларнинг бари шахсга ўзини тутишнинг моделини беради. Бироқ юқорида айтилганларни тескари томонларини ҳам инобатга олиниши керак, чунки ҳар бир миллатнинг менталитетига кўра бу нарсаларнинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд.[5] Ҳозирда Олий ўқув юртларининг асосий вазифаси интеллектуал салоҳиятли рақобатбардош мутахассисларни етиштириб чиқариш - дейди В. Г. Пузиков. Рақобатбардошлик шундай кудратга эгаки, у ўз кучига ишониб ҳаётга қийинчиликларни, рухий тушкунликни, пессимизмининг енгишга имкон беради. Бундай вазифани бажариш учун эса Олий ўқув юртлари жиддий модернизацияни енгиб ўтиши керак.[6]

НАТИЖАЛАР

Ҳаммага маълумки, бизнинг тафаккуримиздан таълим ва тарбия ажралмасдир, деган ғоя чуқур жой олган. Шу аснода, ўқитувчининг иш юкламаси маънавий-тарбиявий соатлар ҳисобидан ҳаддан зиёд ошиб кетади. Ўқитувчи соҳаси бўйича мутахассис ва, айтиш пайтда, тарбиячи-мураббий вазифасини бажаради. Унинг салмоқли вақти айнан шу соҳадаги фаолиятга ва унинг ҳисоботларини тайёрлашга кетади. Фикримизча, бу ҳолатга барҳам бериш ва юқорида эслатилган олижаноб ғоянинг ижросини таъминлашда бошқа самаралироқ мурватларни ишга солиш вақти келган. Лекин, бу таълимдан тарбияни бутунлай ажратиш керак дегани эмас, балки, аксинча, жуда бўлмаганда, олийгоҳларда тарбия билан тўлиқ ёки ярим штат бирлигида доимий фаолият юритувчи шу соҳага ихтисослашган социолог ва психологлар шуғуллангани мақсадга мувофиқ, деганидир. Шу ўринда айтиб ўтиш жойизки, профессор-ўқитувчилар касбий кўникмасини янада ривожлантириш бугунги кунимизнинг долзарб масаласи сифатида эътироф этилади. Бундай стратегик жараёни амалга оширишда бизга касбий компетентлик ёрдам беради. Профессор-ўқитувчиларда касбий компетентликни ривожлантириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Профессор-ўқитувчиларда касбий компетентлиликни ривожлантиришда мотивлаштириш жараёни самарадорлигига таъсир этувчи омилларни инобатга олган ҳолда, самарадорликнинг ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги кўрсаткичларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- профессор-ўқитувчиларнинг билими, кўникма ва малакаси ҳамда тажрибаси даражаси, дунёқараши, тасаввури, қизиқиши ва имкониятларининг белгиланган мақсадларга мос келишини ифодаловчи хусусиятлар;
- белгиланган мақсадларга муваффақиятли эришиш натижаларига мос келувчи мотивлар, омиллар ва воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- профессор-ўқитувчилар учун зарурий ва қулай шартшароитлар яратувчи ижодий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари;
- давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларининг ривожланиши, касбий компетентлиликни ривожлантириш жараёнлари иштирокчиларининг эҳтиёжлари ва қониқиш ҳосил қилиш даражаси;
- касбий компетентлиликни ривожлантириш жараёнлари иштирокчиларининг илмий-методик таъминоти даражаси;
- касбий компетентлиликни ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда рефлексив ёндашув, тизимли ёндашув, инновацион ёндашув, шахсга йўналтирилган таъсир ва бошқа ёндашувларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- ахборотларнинг ишончилиги ва янгилиги;
- профессор-ўқитувчиларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, фан-техника ютуқлари бўйича тушунчаларини аниқлаш;
- тасаввури ва дунёқараши, қизиқиши ва имкониятларини ўрганиш;
- белгиланган мақсадларга муваффақиятли эришиш натижаларига мос келувчи мотивлар, омиллар ва воситаларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- профессор-ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари ва қониқиш ҳосил қилиш даражасини аниқлаш;
- профессор-ўқитувчиларга қўйилаётган замонавий талаблар бўйича зарурий маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат бўлиб, ўқитувчиларда узлуксиз малака оширишга бўлган ижодий мотивларни шакллантириш ва уларнинг ўқув фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида қўлланилиши.[7] Касбий фаолиятнинг таълим мазмунини белгиловчи сифатлари ўқитувчининг ижодкорлигида намоён бўлади. Ижодкорлик – бу сифат жиҳатидан янги, оригинал ва такрорланмас бирор янгиликни пайдо қилувчи фаолиятдир. **Маҳсулдор** ижодкорликда белгиланган ҳар қандай муаммо муваффақиятли ҳал қилинади; ижод қилишга лаёқатли бўлган ўқитувчиларнинг асосий қисмида бу жиҳатлар намоён бўлади. **Эвристик** ижодкорлик, жамиятда рўй бераётган касбий фаолиятга оид янгиликларни дадил ўзлаштириш ва тарғиб қилишни англатади, яъни унинг асосида ғоялар

(фаразлар) ҳосил қилиш жараёнини интенсификация қилиш ва уларнинг ҳақиқатга яқинлигини (эҳтимоллигини, ишончлилигини) изчил амалга ошириш ва бунда янги ҳолатда дадил ҳаракат қилиш қобилияти, фикрлаш жараёни асосида тафаккурни ривожлантириш кузатилади.[8]

Креатив ижодкорликда ўқитувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги назарияларни яратади, ўз фикрлари ва таклифлари билан чиқади, моҳир ва тажрибали, лаёқатли ўқитувчиларгина бунга эришиши мумкин.

Табиий анатомик-физиологик лаёқат нишонлари қобилиятларнинг физиологик асосини ташкил этади. Кейинчалик қобилиятга айланадиган лаёқат нишонларининг мажмуи инсоннинг *истеъдоди* дейилади.[9]

Инсондаги билиш ва лаёқат нишонлари жараёнларининг йиғиндиси, истеъдодининг юксак чўққиси – унинг интеллектини белгилайди. *“Интеллект – бу ақлан иш кўриш, рационал фикрлаш ва ҳаётий муаммоларни моҳирона ҳал қилишнинг глобал қобилияти”* (Векслер), яъни интеллект инсоннинг атроф муҳитга тўлиқ мослаша олиш қобилияти деб қаралади. Талабаларда эса ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг моҳияти, босқичлари, ижодий фаолият стратегияси ва тактикаси, ижодий фаолиятни ривожлантириш йўллари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш педагогларда ушбу технологияни ўқув жараёнида кенг тадбиқ этишга имконият яратади.

МУҲОКАМА

Ижодий фаолият моҳиятини белгиловчи асосий омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1. Фалсафий ва ижтимоий-иқтисодий. Ижодий фаолият -амалдагидан фарқ қилувчи бирор бир янгилик яратишдир. **Ўлчов категориялари:** кашфиёт - олдин номаълум бўлган объектив мавжуд бўлган хусусият ва ҳодисаларни аниқлаш; ихтиро - техник муаммолар ечимига йўналтирилган, ишлаб чиқариш да ижобий аҳамиятга эга бўлган янгилик, қарор, технология ва б. рационализаторлик таклифи - олдиндан маълум ва амалда тадбиқ этилаётган техниканинг бошқа янги шароитда самарали ишлашини таъминлаш даги вазифалар ечими; лойиҳалаш- маълум бир объектни икки босқич асосида куриш, яратиш.[10] Ушбу жараён икки босқичда амалга оширилади: Дастлаб лойиҳани фикран юзага келтириш, унинг чизмалари ва техник ҳужжатларини тайёрлаш. 2. Лойиҳани амалда тайёрлаш (деталлар ва қисмларини тайёрлаш , уларга ишлов бериш, йиғиш ва яратиш). Дизайн - объектни маълум бир эстетик тавсифлари асосида санъаткорона лойиҳалаш.

2. Психологик-педагогик - янги билим, укув ва малакалар кўринишида ушбу субъект учун олдиндан номаълум бўлган янгилик яратиш борасидаги

ижодий фаолият. **Ўлчов категориялари:** Интуитив фикрлаш - эвристик жараён бўлиб, ҳеч қандай далилларсиз, тўғридан-тўғри фикран ҳақиқатга эришишдаги (масала ечимини топишдаги) ижодий қобилият, мантиқан боғлиқ бўлмаган ёки мантиқан хулоса чиқариш учун етарли бўлмаган изланишлар асосида масала ечимини аниқлаш жараёни.[11] Интуиция - субъектнинг назарий-амалий фаолияти жараёни давомида тўпланган катта ҳажмдаги билим ва далилларга таянади. Ижодий фаразлар - инсоннинг шахсий тажрибасида кўрмаган ёки умуман ҳозирги вақтда мавжуд бўлмаган объект ва жараёнлар тўғрисида тасаввур, фараз қила олиш қобилияти. Фараз қилиш турлари: инсон олдин ўзи кўрган объект тўғрисида тасаввур қилиши; аниқ бошлангич маълумотлар асосида ўз шахсий тажрибасида учрамаган объект ва жараён тўғрисида фараз қилиши; ҳеч қандай аниқ бошлангич маълумотлар бўлмаган ҳолда, ҳақиқатда амалда мавжуд бўлмаган объект тўғрисида фикран фараз («фантазия») қилиши. [12]

3. Мантиқий қонун ва қоидалар (мантиқий фикрлаш усуллари):

- мантиқий қонун ва қоидалар (айнан ўхшашлик, қарама-қаршилик, етарли асосланганлик қонуниятлари);
- эмпирик-назарий билиш (моделлаштириш , лойиҳалаш);
- назарий билиш (анқлаш тириш , абстраклаштириш);
- эмпирик билиш (кузатиш, таққослаш , солиш тириш) усуллари асосида мантиқий характердаги ақлий жараёнлар қобилиятига эга бўлиш.[13]

Ўзбекистоннинг ёшлари бозор иқтисодиётига ўтишни, рақобатбардошлик ва эркин шахс ифодаланишини бошдан кечиряпти. Бундай шароитларда жамият рақобатбардошлик юқори аҳамиятга эга ва тенгҳуқуқли социал феномен бўлиб қолади. Жамият ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ёшларнинг иккига «кучлилар» ва «кучсизлар» гуруҳга олиб келди.

Шундай қилиб ёшлар учун турли бошланиш шартлари мавжуд, бу эса ўз ўрнида дунёдаги кучли интеллектуал салоҳият билан боғлиқ. Шаҳарлик ёшлар турли касб ҳунар муҳитига қарашли бандлик, таълим фаолиятига аҳамият беради. Ёшлар учун малака ва билим меҳнат бозорида интеллектуал салоҳият ҳолатига муваффақиятли ва энг асосий шарт бўлиб қолади.[14]

Шахснинг интеллектуал салоҳиятини билдирадиган кўрсаткичлари ўзгарувчан жамиятида ўзига хос хусусиятларга эга.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиб ўтишимиз жоизки, таълим жараёнида талабаларнинг касбий маҳорат эгаллашида интеллектуал салоҳиятни яна ривожлантириш зарур. Бунинг учун мамлакатимизда улкан имкониятлар яратилган. Биргина

қишлоқ хўжалиги соҳасини олайлик, Республикамиздаги мавжуд экин майдонларига йўналтирилаётган миллиардлаб куб метр сувнинг 60 фоизигина экинларга етиб боради, қолган 40 фоизи эса суғориш тизимлари ва суғориш жараёнида йўқотилади. Бу ҳам соҳада, аллақачон, умрини ўтаб бўлган усуллардан фойдаланилаётгани, сувга нисбатан беписанд муносабат шаклланишини кўрсатади. Жойларда ҳамон сув қўллаб ётган далалар, обиҳаёт исроф бўлаётган ҳолатлар мавжуд. Ваҳолонки, сувдан самарали фойдаланиш коэффициенти Европа давлатларида 80 — 85 фоизни ташкил этади. Жаҳон сув ресурслари институти таҳлилларига кўра, 2040 йилга бориб, Ўзбекистон сув ўта танқис бўлган **33** та мамлакат қаторига кириши мумкин. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига суғоришнинг тежамкор усуллари кенг қўллаш асосий масала ҳисобланади. Зеро, томчилатиб суғориш усули бежиз “дунёни очликдан қутқарадиган технология” деб баҳоланмайди. Дунё мамлакатларида томчиси тиллога тенг обиҳаётни тежаб сарфлаш чоралари кўрилаётган бир пайтда бизда ҳамон экин майдонларини суғоришда сувни ҳисоб-китобсиз сарфлаш ва катта миқдорда йўқотишлар кузатилаётгани ташвишланарлидир. Шу боис келгуси йилдан ҳар йили 200 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиб борилади. Илғор, замон билан ҳамнафас фермерларимиз томчилатиб суғоришнинг афзаллигини англаб етишган, албатта. Улар нафақат сувни тежаш, балки ҳосилдорликни ошириш мақсадида ҳам мазкур усулдан кенг фойдаланиб келмоқда. Сабаби ушбу усул ер унумдорлигини яхшилаш, тупроқ эрозиясининг олдини олишга хизмат қилади. Энг асосийси, мамлакатимизда суғоришнинг тежамкор усулини жорий қилаётган ер эгалари учун бир қатор имтиёзлар тақдим этилган. Демак, фаолиятни янгича усул асосида ташкил қиладиган деҳқон ва фермерлар бундай имкониятдан фойдаланса кам бўлмайди. Бу эса интеллектуал салоҳиятимизни яна бойитиб бориш мезони билан ифодаланади.

Инсоннинг тараққиёти билан кадр-қиммати, инсоннинг шаклланишида амалга ошириладиган шароитларни яратиш керак, бу ерда очиклик даражаси бутун тизимнинг руҳий саломатлиги даражасини англатади. Қиймат координатлари туфайли инсон дунёси имкониятларни амалга ошириш, унинг моҳиятини ифодалаш, ўз тақдирини белгилаш ва ўз-ўзини тиклаш учун бошқа одамларга яқинлашиш учун бўш жойга айланади. Таълим жараёнида талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш юзасидан қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

– талабалар ўрганилган билимларни тажрибада синаб кўриш, қайта ишлаш, изланувчанлик ва ижодкорлик фаолиятларини фаоллаштириш орқали интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш;

– касбий фаолиятда кўп учрайдиган ҳар қандай ностандарт вазиятларда мустақил равишда қарор қабул қила олишга, шунингдек, яхлит жараённинг барча воқеа ва ҳодисаларини, далилларини таҳлил қила билишга асос яратадиган илмий тафаккурни ривожлантириш;

– таҳсил олаётган соҳаси бўйича касбий фаолиятга тайёрлашни индивидуаллаштириш орқали ақлий ва амалий фаолиятида ўзининг индивидуал услубларига эга бўлиш имконини берадиган таълимни ташкил этиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. *Янги Ўзбекистон стратегияси* [Матн] / Ш.М. Мирзиёев. Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. - 464 б. ISBN 978-9943-6992-3-6.
2. Аскарлова, Ш. И. (2017). Использование Интерактивных Методов Преподавания На Занятиях Иностранного Языка. Актуальные Научные Исследования В Современном Мире, (5-2), 29-32.
3. Гозалксон, А. (2020). *Yozish Konimkasini Shakllantirish Usullari*. Наука И Образование, 274с
4. Теория множественного интеллекта Г. Гарднера и ее принципиальное значение для современного образования. Текст научной статьи по специальности «Науки об образовании» Москва 2017 г, Семерикова Алена Владимировна, 89 с
5. Туктаров Ф.Р. Конкурентоспособность личности в современном трансформирующемся обществе. Ростов н/Д: Наука-Пресс, 2006. С. 6.
6. Образование как омил социальной дифференциации и мобильности. С. 97.
7. Орехов А.М. Интеллектуальная собственность как объект философского исследования. Вестник Московского Университета. Серия 7. Философия. №1. 1997. – С.31-48.
8. Касбий таълим мазмунига кўйиладиган замонавий педагогик талаблар Кадиров Хаёт Шарипович, НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ 2019 йил 6-сон, 472 б
9. Xutorskoy A.V. *Pedagogicheskaya innovatika: metodologiya, teoriya, praktika* – М.: 2005. 67с
10. Qosimov SH. *Kasb-hunar kollejlarda amaliy kasbiy ta'limni tashkil etishning ilmiy pedagogik asoslari*. – Т: "Fan va texnologiya", 2014. 91б

11. Slastenin V.A., Isaev I.F., SHiyarov E.N. *Pedagogika: Ucheb. Posobie dlya stud. vissh. ped. ucheb. zavedeniy* – M.: 2002. 31с.
12. Hakimova M. Kasb pedagogikasi. //O‘quv qo‘llanma. – T. TDIU, 2007, 68 б
13. Agzamxodjaeva S. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ инст. нашр., 2007. –Б. 31;
14. Ramazonovna, A. N. (2024). PROVERBS AND SAYINGS WITH PHYTONYMS AND THEIR ANALYSIS IN COMPARED LANGUAGES.
15. Abdullaeva, N. R. (2020). THE PERFECT TEACHING METHOD: CASE OF UZBEKISTAN. *Theoretical & Applied Science*, (7), 10-15.
16. Грицевич, Т.Д. Замонавий психологияда ўрганиш қобилияти муаммоси / Т.Д. Грицевич // Таълим қобилиятлари ва ўрганиш: Прос. усули. нафақа / Сomp. М.Ф. Бакунович, Т.Д. Грицевич, О.А. Ткачук, Т.С. Юрочкина / эд. А.П. Лобанова. - Минск: БСПУ, 2003. - С. 4-20.